



Реал самарали алмашув курси шарҳи


2022 йил август

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2022

Реал самарали алмашув курси шарҳи

Реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг август ойида ўтган ойга нисбатан **ўсувчи динамика** қайд этиб, **1,4 фоизга мустаҳкамланди** (2021 йил мос даврига нисбатан 3 фоизга, базавий ой – 2019 йилнинг сентябрига¹ нисбатан 6 фоизга мустаҳкамланди).

Реал ва номинал эффектив алмашув курслари индеклари динамикаси




Август ойидаги реал самарали алмашув курсининг қадри ошишига асосан савдо-ҳамкор давлатлар валюта курсларининг **юқори суръатларда қадрсизланиши** ва **ички инфляция** таъсири билан ифодаланади. Хусусан, мазкур индексни

оширувчи омиллар сифатида савдо-ҳамкор давлатлар валюта курслари ўзгариши – **1,4 фоиз бандга**, ички инфляция – **0,5 фоиз бандга** таъсир этган бўлса,

пасайтирувчи омил бўлиб савдо-ҳамкор давлатлар инфляцияси – **0,5 фоиз бандни** ташкил этди.

¹ Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 2019 йил 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга кўйилди. Шу сабабли, **2019 йил сентябрь ойи** сўмнинг реал самарали алмашув курси индексини ҳисоблашда базавий давр сифатида белгиланди

Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг ўзгариш декомпозицияси



Асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг **валюталари курслари** август ойида АҚШ долларига нисбатан қуидагича динамика күрсатди:

➤ **Россия рубли август ойида 2,3 фоизга қадрсизланди** (1 АҚШ доллары 59,4 рублдан 60,8 рубла). Бундай қадрсизланишга иқтисодий санкциялар ва нефть нархи пасайиши фонида энергия маҳсулотлари экспортидан олинадиган даромадлар камайиб бориши билан изоҳланади. Шунингдек, Россия федерал бюджети июль ойида рекорд даражадаги дефицит (892 млрд рубль) билан ижро этилди.

Россия Марказий банки 22 июль куни асосий фоиз ставкасини 9,5 фоиздан 8 фоизгача пасайтируди.

➤ **Қозогистон тенгеси август ойида 0,3 фоизга мустаҳкамланди** (1 АҚШ доллары 476,3 тенгедан 474,8 тенгега). Бунда мазкур ойда давомида йирик компаниялар томонидан солиқлар тұланиши тенге курсини құллаб-қувватловчи омил бўлди.

➤ Август ойида ҳам **турк лирасининг** юқори суръатларда қадрсизланиши (3,3 фоизга) давом этди. Мамлакатда кузатилаётган юқори инфляцияга қарамасдан Туркия Марказий банки томонидан фоиз ставкасининг пасайтирилиши, юқори инфляцион босимлар ҳамда

макроиқтисодий беқарорлик лиранинг қадрсизланиши давом этишига сабаб бўлди.

➤ Хитой банкининг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати олиб бораётганлиги ҳамда доллар индексининг мустаҳкамланиши **юань курсига** салбий таъсир қўрсатди. Бунинг натижасида юан курси август ойида ўтган ойга нисбатан **1,0 фоизга** қадрсизланди (1 АҚШ доллари 6,73 юандан 6,8 юангга).

2022 йил август ойида асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг деярли барчасида (Россиядан ташқари) **йиллик инфляция кўрсаткичлари ошиши кузатилди.**

Жумладан:

➤ **Россияда** ойлик нархлар пасайиши давом этиб, **-0,5 фоизни** (йиллик инфляция 14,3 фоизни) ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Нархларнинг ойлик динамикаси пасайиши истеъмол товарларига бўлган талабнинг сустлиги билан изоҳлаш мумкин.

➤ **Қозогистонда** ойлик инфляция **1,4 фоизни** ташкил этиб, йиллик ҳисобда **16,1 фоизгача** тезлашди. Август ойида инфляциянинг ошишига озиқ-овқат маҳсулотлари йиллик 20,8 фоизга (июлда 19,7 фоиз), ноозиқ-овқат маҳсулотлари йиллик 15,5 фоизга (июлда 14,2 фоиз) ҳамда хизматлар 10,1 фоизга (июлда 9,2 фоиз) ҳисса қўшди.

➤ **Туркияда** ойлик инфляция **1,46 фоизни** ташкил этди, йиллик ҳисобда **80,2 фоизгача** ўсди. Нархлар ўсишига асосан, энергия маҳсулотлари ҳамда импорт товарларининг қимматлашиши билан изоҳланади. Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик ҳисобда **2,4 фоизга** ўсиб, йиллик **143,8 фоизга** етди. Бу келгуси ойларда ҳам инфляция даражаси юқори бўлишини англаатади.